O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №

Shu aziz Vatan — barchamizniki

ÓZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON DEMOKRATIK PARTIYASI XALQ

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

2002 YIL
26 MART
SESHANBA
№ 39 (26.898)
1918 yil 21 iyundan chiqa boshlagan.

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 25 март куни Оқсаройда АҚШ Сенатининг Разведка бўйича қўмитаси раиси ўринбосари Ричард Шэлби раҳбарлигидаги Конгресс делегацияси аъзоларини қабул қилди.

— Сизни ва ҳамкасбларингизни Ўзбекистонда қаршилаш бизга мамнуният бахш этади, — деди Ислом Каримов учрашувда. — Ташрифингиз ўзаро муносабатларимиз тобора ривожланаётганини яна бир бор тасдиқловчи воқеадир.

Мамлакатимиз раҳбари ўзининг яқинда АҚШга буюрган расмий ташрифи самарали кечганидан мамнуният изҳор этди. Сафар мобайнида бўлган учрашувлар АҚШда Ўзбекистон билан муносабатлар кўламини кенгайтиришга интилиш кучлилигини яна бир карра намоён этганини ва Ўзбекистон томони уммонортидан келаётган ҳар бир делегацияга алоҳида эътибор билан қарашини таъкидлади.

Оқсаройдаги учрашувда томонлар Стратегик шериклик ва ҳамкорлик асослари тўғрисидаги декларация, шунингдек, Ислом Каримовнинг сафари асносида имзоланган бошқа ҳужжатлар ўзаро муносабатларни янада ривожлантириш учун мустаҳкам ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилишини қайд этди.

Суҳбат чоғида минтақавий хавфсизлик, аксилтеррор операциясининг бориши, Афғонистондаги вазият, трансмиллий таҳдидларга қарши туришда икки томонлама ҳамкорликка оид ва томонларни қизиқтирган бошқа масалалар муҳокама қилинди.

■ (ЎзА)

Суратда: қабул пайти.

Абдувоҳид ТЎРАЕВ (ЎзА) олган сурат

ЗАМОНАВИЙ ТИББИЙ МАРКАЗ

Оналар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлаш ва муҳофазалаш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бири. Барпо этилаётган кўплаб тиббиёт муассасалари, шифо масканлари, сиҳатгоҳлар бунинг ёрқин далилидир.

Наврўз байрами кунларида пойтахтимизда ана шундай хайрли мақсадлар учун хизмат қилувчи яна бир тиббиёт муассасаси — Республика Урология маркази очилди, дея хабар қилади ЎзА муҳбири.

Янги марказ Германияда ишлаб чиқарилган энг замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган. Бу ерда олти минг нафардан зиёд беморга малакали ва сифатли тиббий хизмат кўрсатилади, зарур ҳолатларда эса жарроҳлик муолажалари бажарилади. Аҳамиятга молик жиҳати шундаки, эндиликда II Тошкент давлат тиббиёт институти магистрларининг ўқув-амалий машғулотлари ҳам айнан мана шу ерда ўтказилади.

■ (ЎзА)

DUNYO
VOQEALAR YANGILIKLAR XABARLAR

ЖАҲОН ЁШЛАРИНИНГ ТОКИО АНЖУМАНИ

Яқинда Япония Ташқи ишлар вазирлиги томонидан ташкил этилган «Дунё ёшлари алмашув дастури»нинг навбатдаги анжумани бўлиб ўтди. Унда жаҳоннинг 35 мамлакатидан вакиллар иштирок этди. Мазкур симпозиумда МДҲ мамлакатлари орасидан Ўзбекистондан ташқари Россия ва Озарбайжон вакиллари ҳам қатнашди. Иштирокчиларнинг аксарияти ёш олимлар, журналистлар ҳамда ёшларнинг турли иж-тимоий ва нодавлат ташкилотлари вакиллари эди.

Дастур кун тартибидан, асосан, дунёвий хавфсизлик муаммолари, халқаро терроризмга қарши ҳамкорликда кураш чора-тадбирлари ва шу каби жиддий глобал масалалар жой олди.

Даставвал «Дунё ёшлари алмашув дастури» иштирокчилари Хиросима тинчлик ёдгорлиги музейини зиёрат этишди. Киото шаҳри маданий ёдгорликлари билан танишувдан сўнг улар япон оилаларида меҳмон бўлишди.

Киото Халқаро Анжуманлар зали ҳамда Токиодаги БМТ Университетида кун тартибидаги долзарб масалалар юзасидан ўзаро фикр алмашувлар ташкил этилган сессиялар чоғида ўзаро фойдали баҳс-мунозараларга уланиб кетди. «Терроризмни вужудга келтирувчи омиллар», «Қисқа муддатли аксилтеррор операциялари: улар қандай бўлиши керак?», «Узоқ муддатли терроризмга қарши кураш чоралари» сингари мавзулар юзасидан ўзаро фикр алмашувлар жуда қизиқарли бўлди.

Тадбир якунида Дастур иштирокчилари ўзларининг норасмий меморандумини қабул қилдилар.

■ «Жаҳон» АА

БУШ САЛЬВАДОРГА КЕЛДИ

АҚШ Президенти Жорж Буш Сальвадорда бўлди. Ушбу қисқа ташриф давомида Оқ уй раҳбари Сальвадор, Гватемала, Гондурас, Никарагуа, Коста-Рика, Панама президентлари билан учрашиб, Марказий Америка минтақаси билан АҚШ ўртасидаги эркин савдо зонаси, мухожирлик ва минтақавий хавфсизлик билан боғлиқ масалалар юзасидан фикрлашиб олди.

«МОНТЕРРЕЙ КОНСЕНСУСИ» ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ

Мексиканинг Монтеррей шаҳрида БМТ ҳомийлигидаги тараққиётни молиялаштириш ҳамда қашшоқ мамлакатларга халқаро миқёсда молиявий ёрдам бериш масалаларига бағишланган халқаро анжуман ниҳоясига етди. Анжуманда «Монтеррей консенсуси» деб номланган якуний ҳужжат қабул қилинди. Ушбу ҳужжатга кўра, ривожланган давлатларнинг ривожланаётган мамлакатларга ўз ялпи ички маҳсулотининг 0,7 фоизигача бўлган ҳажмда молиявий ёрдам кўрсатиши назарда тутилган. Жумладан, расмий Вашингтон шу йўналишда йиллик молиявий ёрдам миқдорини кейинги уч йил давомида беш миллиард долларга етказишга ваъда берди.

АФҒОНИСТОНДА ПАСПОРТ ИСЛОҲОТИ

Афғонистонда толиблар ҳукмронлиги даврида, аниқроғи 1996-2001 йилларда фуқароларга берилган паспортлар бундан буён ҳақиқий саналмайди. Янги ҳукумат шундай қарор чиқарди. Бу чора шундай паспортга эга бўлган террорчиларнинг мамлакатга келиши ёки чет элда эркин юришига тўсқинлик қилиш мақсадида амалга оширилмоқда. 1996 йилга қадар берилган паспортларга эса махсус муҳр босиладиган бўлди.

ПАРЛАМЕНТ АЪЗОСИ УСТИДАН СУД

Индонезияда парламент аъзоси Акбар Танжунг устидан суд бошланди. У 1999 йилда давлатга тегишли 4 миллион АҚШ доллари миқдоридаги маблағни ўзбошимчалик билан сарфлаганликда айбланмоқда. Бу маблағ қашшоқларга ёрдам учун ажратилган эди. Айбловчиларнинг айтишича, А.Танжунг уни ўзи бошчилик қиладиган Голкар партиясининг сайловолди кампанияси тадбирлари учун ишлатиб юборган.

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЯНГИ САНЪАТ КОШОНАСИ

Наврўз байрами бутун мамлакатимиз бўйлаб кенг нишонланаётган шу кунларда санъат аҳли, бутун халқимиз яна бир шодиёнага гувоҳ бўлди. 22 март куни Тошкентда консерваториянинг янги биноси фойдаланишга топширилди.

Мазкур санъат кошонасининг тантанали очилиш маросимини Тошкент шаҳар ҳокими Р.Шоабдураҳмонов очди.

Маросимда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов нутқ сўзлади.

— Азим пойтахтимиз Тошкент шаҳрида бунёд этилган консерватория янги биносининг очилиши нафақат санъат аҳли, балки юртимизнинг ҳар бир фуқароси учун катта ғурур ва ифтихор бахш этадиган қувончли воқеадир, — деди Ислом Каримов. — 65 йиллик тарихга эга бу муассасанинг маданий ҳаётимиздаги ўрни беқиёсдир.

Консерваториянинг янги биносига назар ташлаган ҳар бир киши унинг пойтахтимиз хуснига ҳусн қўшувчи энг гўзал иншоотлардан бири бўлганига тан беради.

Янги санъат ўқув мажмуи сифат жиҳатдан мутлақо ўзгача, замонавий ва муҳташамдир. Бу ерда энг замонавий мусиқа асбоблари билан жиҳозланган аудиториялардан ташқари бир нечта концерт зали мавжуд.

Ўтган йили Президент Ислом Каримов консерватория қурилишининг бориши билан танишиш жараёнида бир қанча қимматли маслаҳатлар берган эди. Президентимизнинг таклифлари асосида фойеда ишланган ранг-баранг паннолар мураббий-устозлар ва талабаларга илҳом бахш этади.

Ислом Каримов консерваториянинг янги биноси қурилишида иштирок этган муҳандис ва қурувчиларга, усталарга самимий миннатдорлик билдирди.

Маросимда сўзга чиққан Ўзбекистон халқ артисти Турғун Алиматов, бастакор Мустафо Бафоев ва «Ниҳол» мукофоти совриндори Анна Гузаирова давлатимиз раҳбарига мана шундай муҳташам ва барча қулайликларга эга саройни қуришда бошқош бўлгани учун миннатдорлик изҳор этди.

Консерватория янги биносининг очилишига бағишлаб санъат усталари, ижрочи ёшлар иштирокида концерт дастури намойиш қилинди.

Тантанали маросим сўнггида Президент Ислом Каримов оммавий ахборот воситалари вакиллари билан мулоқотда бўлди.

— Маънавий тараққиётни таъминламасдан туриб, моддий фаровонликка эришиш қийин, — деди давлатимиз раҳбари. — Маънавий қашшоқ киши моддий бойликнинг ҳам қадрига етмайди. Шу боис биз тўй-томоша, байрамлар ўтказиш, маданий иншоотлар қуришга алоҳида эътибор бермоқдамиз.

Миллий қадриятларимиз билан фахрланишнинг ўзи камлик қилади. Бизнинг бугунги вазифамиз аждодларимиз қолдирган улкан маънавий бойликни асраб-авайлаш, ҳар томонлама ривожлантириш ва келгуси авлодларга етказишдан иборат. Янги консерватория биноси учун зарур мусиқа асбобларини жаҳоннинг Япония, Германия, АҚШ каби энг илғор давлатларидан келтирдик. Лекин асосий масала — бу кошонани фақат жиҳозлар билан эмас, ҳақиқий истеъдод эгалари билан тўлдиришда. Бундай муҳташам биноларни қуриб, ишга тушираётганимиз бизнинг янги ҳаёт сари қадам қўяётганимиздан яна бир далолатдир.

■ **Анвар КАРИМОВ, Мусулмон НАМОЗОВ, ЎзА мухбирлари**

ЯНГИ КОРХОНА

«MADE IN UZBEKISTAN»

ЁРЛИҚЛИ МАҲСУЛОТЛАР ТОШКЕНТДА ЎЗБЕКИСТОН — ТУРКИЯ ҲАМКОРЛИГИДА БАРПО ҚИЛИНГАН «ШАЙХОНТОҲУР ТЕКСТИЛЬ» ҚЎШМА КОРХОНАСИДА ТИКИЛИБ, ЮЗ ФОИЗ ЭКСПОРТГА ЧИҚАРИЛМОҚДА

22 март куни Тошкентда иккита муҳташам кошона — Ўзбекистон Давлат консерваториясининг янги биноси ва «Шайхонтоҳур текстиль» қўшма корхонасининг тақдимот маросими бўлиб ўтди.

Қўшма корхонада ўрнатилган Японияннинг «Брозер», «Жуки» фирмаларида ишлаб чиқарилган тикув дастгоҳлари маҳсулот сифатини янада оширади. «Шайхонтоҳур текстиль» қўшма корхонасининг афзаллиги шундаки, бу ерда тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқарилади ва «Made in Usbekistan» ёрлиғи билан 100 фоиз хорижга экспорт қилинади.

Низом жамғармаси 4 миллион 700 минг АҚШ долларини ташкил қилган мазкур қўшма корхона таъсисчилари Ўзбекистон томонидан Тошкент шаҳар ҳокимияти Бош инвестиция бошқармаси, Туркия томонидан эса тўқимачилик саноатида етакчи саналган «Седат текстиль» фирмаси, «Атлантик» ва «Чаглаян» корхоналаридир.

Шу ўринда бир гап. Ўзининг илк фаолиятини 1994 йилда Тошкент шаҳрида бошлаган «Чаглаян СО ЛТД» жамоаси даставвал тижорат ишлари билан шуғулланди. 1998 йилга келиб эса тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариб, уларни хорижга экспорт қила бошлади. Дастлаб, 140 минг дона мавсумий ранг-баранг кийим-кечаклар Германиянинг «Отто» фирмаси буюртмасига кўра, экспорт қилинди. Ушбу давлат билан шериклик қилишлар тўқимачилик саноати ривожланган етакчи давлатлар маҳсулотлари қаторида АҚШ бозорларида ўз ўрнини топди. Яъни, шу кунгача 2 миллион 600 минг дона маҳсулот Америкага экспорт қилинди.

(Давоми 2-бетда)

ДОЛЗАРБ МАВЗУ

ЕР, СУВ ВА МЕЛИОРАЦИЯ

СИРДАРЁ ВИЛОЯТИДА СУВ РЕСУРСЛАРИДАН ТЕЖАБ-ТЕРГАБ ФОЙДАЛАНИШ, ЕРЛАРНИНГ МЕЛИОРАТИВ ҲОЛАТИНИ ЯХШИЛАШ БОРАСИДА ҚАНДАЙ ТАДБИРЛАР АМАЛГА ОШИРИЛМОҚДА?

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йилда республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва иқтисодий ислоҳотларнинг боришини баҳолаш ҳамда 2002 йилда ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг асосий йўналишларига бағишланган мажлисида ер, сув, ёнилғи ресурсларидан тежаб-тергаб фойдаланиш, мелиорацияга бўлган муносабатни тубдан ўзгартириш муаммоларига ҳам катта эътибор берилди.

Сирдарё вилоят меҳнат аҳли, шу соҳа мутахассислари, мутасадди раҳбарлар ва тегишли идора бошлиқлари мазкур йиғилиш якунларини қизғин ўрганмоқдалар, тегишли хулосалар чиқармоқдалар ҳамда камчиликларни бартараф этиш чораларини изламоқдалар. Қуйида мухбиримизнинг ана шу соҳа мутахассислари билан суҳбати эътиборингизга ҳавола қилинаётир.

(Давоми 2-бетда)

КУРАШ

ШРИ-ЛАНКАДА ХАЛҚАРО ТУРНИР

Бундан икки йил муқаддам мутахассисларимиз ҳинд диёрида ўзбек курашидан кўргазмали чиқишлар қилишган эди. Кураш Ҳиндистонда ҳам кўпчиликнинг севимли машғулотига айланди. Бугунга келиб ҳиндлар орасидан кўплаб полвонларнинг етишиб чиқаётгани шундан.

Шу йилнинг 29-30 март кунлари Ҳинд уммони бағрида жойлашган давлат — Шри-Ланкада ўзбек кураши бўйича биринчи халқаро турнир бўлиб ўтади. Ушбу мусобақада Эрон, Сингапур, Ҳиндистон, Индонезия каби давлатлардан полвонлар иштирок этиши кутилмоқда. Хусусан, унда ўзбек курашчилари ҳам қатнашади. Гиламга 63, 73, 81, 90, 100 кг. ва мутлақ вазн тоифаларида полвонлар чиқадилар. Шри-Ланка Кураш федерацияси ташаббуси билан ўтказилаётган ушбу турнир ўзбек кураши ривожига ҳисса қўшиши шубҳасиздир.

■ **Зулхумор РЎЗИЕВА**

ЭКСПОРТ — МАМЛАКАТ ТАЯНЧИ

ИМКОНИЯТ ОРТАДИ

«Ғиждувон пахта тозалаш» ҳиссадорлик жамиятининг экспорт имкониятлари янада кенгаядиган бўлди. Эски асбоб-ускуна ҳамда технология билан ишлаб келаётган корхонанинг янги биноси қурилиши жадаллик билан давом этяпти. Лойиҳа қиймати бир миллиард сўм бўлган бу корхонага ҳозирданоқ пахтани қайта ишлайдиган замонавий технология хориждан олиб келинди.

— Корхона ишга тушса, — дейди ҳиссадорлик жамияти бош ҳисобчиси Абдулла Шодиев, — 60 минг тонна пахтани сифатли ишлаб, йилига қарийб 20 минг тонна экспортбоп тола ишлаб чиқарилиши мумкин.

■ **Даврон БАҲРОНОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**

«MADE IN UZBEKISTAN»

ЁРЛИҚЛИ МАҲСУЛОТЛАР ТОШКЕНТДА ЎЗБЕКИСТОН — ТУРКИЯ ҲАМКОРЛИГИДА БАРПО ҚИЛИНГАН «ШАЙХОНТОҲУР ТЕКСТИЛЬ» ҚЎШМА КОРХОНАСИДА ТИКИЛИБ, ЮЗ ФОИЗ ЭКСПОРТГА ЧИҚАРИЛМОҚДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

Жаҳон бозорида Ўзбекистонда ишлаб чиқарилаётган ана шундай маҳсулотларга бўлган талабнинг ошаётганлиги 200 нафарга яқин киши меҳнат қилаётган корхонани кенгайтиришни тақозо этди. «Чаглаян СО ЛТД» корхонаси раҳбари Фуат Эм ўз таклифларини шаҳар ва туман раҳбарларига билдирди. Уни қўллаб-қувватлашди.

— Қўшма корхонамизда ишлаш учун Тошкент шаҳрининг Акмал Икромов, Чилонзор, Шайхонтоҳур туманларида истиқомат қилувчи 1300 нафар маҳаллий хотин-қиз мурожаат қилди, — дейди қўшма корхона раҳбари Фуат Эм. — Лекин уларнинг бу истакларини бирданига қондириш қийин. Ҳозир бир сменада 700 кишини иш билан таъминлаш имконига эгамиз. Жаҳоннинг энг сўнгги ютуқларини ўзида жамлаган, Японияда ишлаб чиқарилган 340 та унумли тикув дастгоҳлари ҳисобига бойитилган фабрикамизда бир йилда 300 минг дона тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш режалаштирилган. Уларнинг барчаси Европа ва Америка бозорларига экспорт қилиниши кўзда тутилган.

Ушбу мажмуамизнинг ишга туширилиши бизга катта масъулият юклайди. Боиси, жаҳон бозоридаги ўрнимизни йўқотмаслик учун яқин келажакда 6 миллион АҚШ доллари миқдоридаги сармоя билан тўқимачилик ва мато бўяш цехларини ташкил қилмоқчимиз. 2004 йилга бориб, қўшимча янги иш ўринларини яратиб, 2 минг нафар хотин-қизни иш билан таъминлаш ниятидамиз. Агар ушбу режамиз амалга ошса, йилига 500 минг дона тайёр трикотаж маҳсулотларини тўғридан-тўғри хорижга экспорт қилишга эришамиз.

— Фуатбей, сизнинг айнан Ўзбекистонда ҳамкорликда қўшма корхона ташкил этишингизнинг боиси нимада?

— Очиғи, мен бир қанча хорижий давлатларда бўлдим. Лекин Ўзбекистондагидек тотувликни, ҳамжиҳатликни, осуда ҳаётни ҳали кўрганим йўқ. Мамлакатингиз одамлари самимий, меҳнаткаш, меҳмондўст, «чўх гўзал» кишилар экан. Ундан ташқари, Ўзбекистон пахтаси бизнинг қўшма корхонамиз учун сув ва ҳаводек зарур. Ўзбекистонда пахта мўл, бу ерда пахта хомашёсини қайта ишлаб, жаҳон бозорига тўғридан-тўғри экспорт қилиш имконияти яхши.

— Биз учун бу корхонанинг муҳимлиги, аввало, шундаки, аёлларимиз учун янги иш ўринлари очилди, — дейди Акмал Икромов тумани ҳокими Абулқосим Маҳмудов. — Иккинчидан, бизнинг опа-сингилларимиз ҳам энг замонавий тикув машиналарида жаҳон бозорига тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришмоқда.

Дарҳақиқат, мамлакатимиз тўқимачилик саноати тизимида яна бир ёрқин саҳифа очилди. Мазкур қўшма корхона бир йилда 10 миллион АҚШ доллари миқдорида тайёр трикотаж маҳсулотларни жаҳон бозорига экспорт қилишини назарда тутадиган бўлсак, унинг мамлакатимиз иқтисодиётига қўшаётган ҳиссаси нечоғли эканлигини англаймиз.

Энди бир тасаввур қилиб кўрайлик: мамлакатимизда ўнлаб ана шундай қўшма корхоналар бунёд этилса-чи? Қанчалаб одамлар иш билан таъминланади, мамлакатимиз иқтисодиёти қанчалар юксалади.

— Агар Ўзбекистон ўз пахтасини тайёр маҳсулот ҳолида, дейлик 500 минг тонна пахта хомашёси тайёр маҳсулот ҳолида хориж бозорларида сотилса, бундан мамлакатингиз бир йилда 4 миллиард АҚШ доллари миқдорида фойда кўради, — дейди Фуат Эм. — Шу кеча-кундузда пахта толасининг 1 тоннаси жаҳон бозорида ўртача 1000 АҚШ долларига сотилмоқда. Англашимча, Ўзбекистон ҳозир хомашё эмас, балки тайёр маҳсулотларини жаҳон бозорига олиб чиқиши учун дадил ҳаракатлар қилаяпти.

Дарҳақиқат, мамлакатимизда етиштирилган пахта толасини қайта ишловчи, энг замонавий ускуна ва технологиялар билан жиҳозланган «Кобул Фарғона», «Чиноз тўқимачи» каби янги қўшма корхоналар ишга туширилди. Шаҳрисабзда яқин кунларда ўзбек-турк-япон инвестициялари ҳисобига барпо қилинган «Оқсарой тўқимачи» фабрикаси фойдаланишга топширилиш арафасида турибди.

Юртбошимиз Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йилда республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва иқтисодий ислоҳотларнинг боришини баҳолаш ҳамда 2002 йилда ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг асосий йўналишларига бағишланган мажлисида иқтисодиётимизга хорижий инвестицияларни жалб этиш, жойларда қўшма корхоналар барпо этишнинг аҳамиятини яна бир бор таъкидлаб ўтди.

Бир пайтлар хомашё сифатида арзон-гаровга собиқ марказга топширилиб келинган ўзбек пахтаси бугун мукаммал технология асосида ип-калава, мато ва тайёр маҳсулотга айлантирилиб, жаҳон бозорига чиқмоқда. Бу маҳсулотлар устида «Made in Uzbekistan» деган ёрлиқнинг борлигидан фахр ифтихор қиламиз. «Шайхонтоҳур текстиль» ҳам ана шундай корхоналаримиздан бири эканлиги биз учун аҳамиятлидир.

■ **Соҳибжон САЛИМОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**

✧✧✧

Суратларда: 1.Туркиянинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Рашид Уман (чапдан), «Шайхонтоҳур текстиль» қўшма корхонаси раҳбари Фуат Эм, Тошкент шаҳар ҳокими Рустам Шоабдурахмонов корхонанинг очилиш маросимида.

2. Тайёр маҳсулотлар сифати кўздан кечирилаётган пайт.

3. Ишчи Дилфуза Йўлдошева хорижга жўнатиш учун тайёрланган маҳсулотни намойиш қилмоқда.

4. Корхонанинг тикув цехида.

Шавкат АКРАМОВ олган суратлар

КИЧИК ВА ЎРТА БИЗНЕС УЧУН ЯНГИ ИМКОНИЯТЛАР

Президент Ислом Каримовнинг АҚШга ташрифи чоғида Ўзбекистон Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки ва АҚШ Эксимбанки ўртасида қиймати 55 миллион АҚШ долларига тенг битим имзолангани натижасида Ўзбекистон кичик ва ўрта бизнеси учун АҚШдан катта ҳажмда технологик ускуналар келтирилиши кутилмоқда.

Миллий банк ва АҚШ банклари ўртасидаги ҳамкорлик ривожи 1993 йилдаги қисқа муддатли кредитлаш дастурларига бориб тақалади. Кейинчалик АҚШ банклари томонидан умумий ҳажми 2 миллиард доллардан ортиқ қатор йирик лойиҳалар молияланди. Америка бизнесининг Ўзбекистондаги фаол вакиллари сифатида Ньюмонт Майнинг, Кейс Корпорейшн, Эксон, Боинг, Келлог-Дрессер, Америкэн Текноложи Групп АТГ, Катерпиллер, Текнип Инк, Америкэн Интернешнл Груп, Голдмэн Сакс компанияларини келтириш мумкин. Шунингдек, кичик ва ўрта бизнес соҳасида қатор лойиҳалар амалга оширилган.

Ўзбекистон МДҲ мамлакатлари орасида биринчилардан бўлиб кичик ва ўрта бизнес лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш, бу соҳани тубдан ривожлантириш учун халқаро молия ташкилотларининг кредитларини фаол жалб эта бошлади. Етакчи халқаро молия ташкилотларининг қатор молиялаш дастурлари Европа тикланиш ва тараққиёт банкининг 1993 йили Миллий банкка ажратилган 60 миллион долларлик биринчи кредит линиясидан бошланган.

1997 йили Миллий банк ЕТТБнинг иккинчи линияси (60 миллион доллар) ва Осиё тараққиёт банкининг 50 миллион доллар қийматига тенг линиясини жалб этди. Шундан сўнг КфВ банки, Халқаро миллия корпорацияси, ОПЕК жамғармаси, Осиё тараққиёт банкининг иккинчи линияси, хорижий банкларнинг АҚШ Эксимбанки, САЧЕ, Гермес, КОФАС суғурта агентликлари суғурта қоплаши остидаги линиялари ажратилди.

Миллий банкдан сўнг кичик ва ўрта бизнес учун халқаро инвестицияларни жалб этишга Ўзбекистоннинг бошқа банклари ҳам қўшилди. Бугунги кунда бундай дастурларга уларнинг саккизтаси жалб этилган.

■ **(ЎзА)**

ХДП ХАБАРИ

САРКОТИБЛАР КЕНГАШДИЛАР

Ўзбекистон ХДП Тошкент вилоят кенгаши жойлардаги ижобий тажрибаларни ўрганиш ва оммалаштиришга катта эътибор бермоқда. Яқинда Зангиота туман партия ташкилоти ҳузурида туман партия кенгашлари биринчи котибларининг семинари бўлиб ўтди.

Туман ҳокимининг ўринбосари — хотин-қизлар қўмитасининг раиси, туман партия кенгаши ижроия бюросининг аъзоси Ҳ. Рустамова, «Бўзсув» ҳудудий бошланғич партия ташкилоти котиби А.Сарибоев, туман халқ таълими ходимлари ҳудудий бошланғич партия ташкилоти котиби М.Бекмирзаевлар жойларда маҳалла қўмиталари, жамоат ташкилотлари, ҳуқуқ-тарғибот идоралари билан ҳамкорликда олиб бораётган тарғибот-ташвиқот ишларининг шакл ва услублари тўғрисида гапирдилар.

ХДП Бўстонлиқ туман кенгаши биринчи котиби Р.Махаматов ва мазкур туман партия кенгаши шўъба мудири Г.Тарасова туман партия кенгашида иш юритиш, ходимларнинг ўз вазифаларини бажариш бўйича фаолиятини ташкил этиш амалиёти, ҳужжатлар ҳаракати ва улар ижроси устидан назоратни амалга ошириш тажрибаси билан танишдилар.

Иштирокчилар тумандаги «ПЭТ» пластик корхонаси, 41-ўрта мактаб, Зангиота қўрғони фуқаролар ўзини ўзи бошқариш йиғинида бўлиб, улардаги ХДП бошланғич ташкилотлари фаолияти ҳамда уларнинг маъмурият ва жамоат бирлашмалари билан ҳамкорликда олиб бораётган ишлар билан танишдилар, тарихий-меъморий мажмуани зиёрат қилдилар.

■ **Носир ТОШКАНДИЙ**

ЯНА СУВ ВА ТАБИИЙ ГАЗ ҲАҚИДА

ҚАЕРГА? КИМГА? ҚАНДАЙ?

РЕСПУБЛИКА ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ, «БОШКОММУНГАЗ» КОРХОНАСИ ҲАМДА МУТАСАДДИ ТАШКИЛОТЛАР РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА...

Кейинги пайтда матбуотда моддий ресурсларимиз, табиий бойликларимизни тежаш, исрофгарчиликка йўл қўймаслик масаласида қатор мақолалар чоп этилаяпти. Тўғриси, сув, электр энергияси, газдан фойдаланишда хўжасизларча муносабатда бўлинаётгани, бебаҳо бойликларимизга тежамкорлик билан ёндашмаётганимиз оқибатида миллион-миллион сўмлик маблағлар ҳавога совурилаётгани аён бўлиб қолди.

Моддий ресурс ва бойликларимиздан оқилона фойдаланиш, хўжасизлик оқибатида келадиган зарарнинг олдини олиш, ошиқча сарф-харажатларга йўл қўймаслик учун ҳар бир фуқаро ўз уйи, хонадонида тежамли бўлиши зарур.

Газетхонларимиз сув ва газ ўлчагич мосламалари ўрнатиш юзасидан кўплаб саволлар билан мурожаат этишаяпти, қўнғироқ қилишмоқда.

ГАЗ ЎЛЧАГИЧНИНГ НАРХИ ҚАНЧА?

Хатирчи туманидан Умирзоқ Исоҳоқов номли 10-ўрта мактаб ўқитувчиси Раъно Ҳамроева қўнғироқ қилди:

— Мен газетангиз орқали хонадонларимизга газ ўлчагич ускунаси ўрнатилса, миллиардлаб куб метр газ иқтисод қилинишини билиб олдим. Чиндан ҳам биз томонларда табиий газга нисбатан шафқатсизларча муносабатда бўлинаётганини англадим. Хўш, газ ўлчагич ускунасини қаердан оламиз? Уни ким ўрнатиб беради? Нархи қанча бўлади?

ЖАВОБ ОЛОЛМАДИМ

Ушбу мактубни Чуст туманидаги Варзик қишлоғида яшовчи Абдуназар Абдуғаффоров йўллаган:

— «Мен газ ўлчагич ускунаси ўрнатмоқчи эдим. Тумандаги тегишли ташкилот раҳбариятига учрашдим. Ўзимиз ўрнатамиз, дейишди. Очиғи, аниқ жавоб ололмадим. Туманда бу ускуна кам экан-да, деган хулосага келдим. Эшитишимча, ускуна кредит асосида ўрнатиларкан. Шу борада аниқ маълумот беришингизни сўрайман...»

ОҚҚАН СУВНИНГ ҚАДРИ ЙЎҚМИ?

Тошкент шаҳар, Собир Раҳимов туманидаги Қорақамиш 2/1 даҳаси, 32-уй, 59-хонадонда яшовчи Тўхтахон Илёсова ёзади:

— Газетангизда чоп этилган **«Сув — ҳаёт, сув — нажот, сув...»** сарлавҳали мақолани ўқиб анча таъсирландим. Рости, баъзи хонадонларимизда сувдан палапартиш фойдаланилади. Сувни тежаш кўпчиликнинг хаёлига ҳам келмайди. Бироқ, сув бизнинг ҳаётимиз, ризқимиз манбаи. Суғориладиган ерлардаги исрофгарчиликни қўя турайлик, кўп қаватли уйларда ҳам сувдан нотўғри фойдаланиб, кун бўйи беҳуда жўмракларни очиб қўйиш ҳоллари учрайди.

Мақолада таъкидланганидек, хорижий мамлакатлар аҳолисидан сувни тежаб-авайлашни ўргансак, ёмон бўлмасди. Шаҳарларимизда сувни исроф қилмаслик учун қандай амалий чоралар кўрилаяпти? Сув ўлчагич ускуналари хусусида гап бораяпти. Улар қачон ўрнатилади? Аҳоли уларга қанча миқдорда пул тўлайди? Сувдан фойдаланиш миқдори қай даражада белгиланади? Ва, бу қандай натижа беради?

ҚАНЧА ХОНАДОНДА ГАЗ ЎЛЧАГИЧ УСКУНАСИ БОР?

Фарғона вилояти, Ўзбекистон туманидаги Яйпан шаҳри, Навоий кўчаси, 64-уйда яшовчи Хайрулла Назиркулов мактуби:

— «Шу пайтгача, республикамизда қанча хонадон газ ўлчагич ускунасига эга? Ушбу масалани ишлаб чиқариш кўзда тутилган ташкилот ёки қўшма корхоналарнинг аҳволи қандай? Уни ишлаб чиқаришга кетадиган сарф-харажат газ тежамкорлигига эришсак қанча муддатда ўзини қоплаши мумкин?»

ПУЛ ЎТКАЗИЛСА БЎЛАДИМИ?

Хоразм вилояти, Хива туманидаги «Хива» жамоа хўжалигидан Шокир Матжонов:

— «Газ ва сув ўлчагич ускуналарини фермер хўжаликлари ёки ташкилотларга пул ўтказиш йўли билан ҳам сотиб олсак бўладими? Бундай ҳолда қаерга мурожаат қилайлик?»

....Хуллас, мазкур масалалар юзасидан олинган саволлар мазмун-моҳияти жиҳатидан бир-бирига ўхшайди. Биз уларни умумлаштирган ҳолда мутасаддилар эътиборига ҳавола қиламиз.

■ **Қўчқор НОРҚОБИЛ**

ЕР, СУВ ВА МЕЛИОРАЦИЯ

СИРДАРЁ ВИЛОЯТИДА СУВ РЕСУРСЛАРИДАН ТЕЖАБ-ТЕРГАБ ФОЙДАЛАНИШ, ЕРЛАРНИНГ МЕЛИОРАТИВ ҲОЛАТИНИ ЯХШИЛАШ БОРАСИДА ҚАНДАЙ ТАДБИРЛАР АМАЛГА ОШИРИЛМОҚДА?

(Давоми. Боши 1-бетда)

Хайрулла Хусанбоев, Шароф Рашидов туманидаги Темур Малик номли деҳкон-фермер хўжаликлари бирлашмаси раиси:

— Юртбошимиз маърузасида ва қабул қилинган қарорда айни долзарб масалалар ўртага қўйилган. Бирлашмага раҳбарлик қилаётганимга тўрт ойдан ошмоқда. Муаммолар талайгина экан. Жумладан, тўрт йилдирки, хўжаликда пахта етиштириш ва сотиш режаси 20 фоиздан ошмай келаётир. 5359 гектарлик суғориладиган ер ресурсларига эга бўлган жамоа учун бу чиндан ҳам тоқат қилиб бўлмайдиган ҳолатдир,

Бу йилги кузги-қишки мавсумда мавжуд экинзорлар биринчи бор тўла шудгордан чиқарилди ва 1410 гектар ернинг шўри ювилди. Ҳадемай экиштикиш ишлари бошланади. Ер, сув, ёнилғи ресурсларидан фойдаланишда жиддий ўзгаришлар қилмай туриб соҳада туб бурилишга эришиш қийин. Бунинг учун эса мелиорация ва суғориш тармоқларидаги аҳвол жиддий ҳаракатни талаб этади. Биринчи галда нималар қилмоқ зарур?

40 йилча муқаддам қўриқ бағрида 103 километрдан зиёд лотоклар тармоғи бунёд этилган эди. Бундан ўн беш-йигирма йил аввал уларнинг бир қисми таъмирланганини ҳисобга олмаганда бу соҳадаги камчиликларга деярли қўл урилган эмас. Оқибатда ҳозир 52 километр узунликдаги лотоклардан фойдаланилмоқда, холос. Қолган жойларда эса ер ариқларига ўтилган. Бу эса ўз-ўзидан сув исрофгарчилигига олиб келади. Биз эндиликда ана шу муаммони ҳал этишимиз керак.

Ҳудудимизда 78,2 километр узунликда ички зовурлар бор. Шундан деярли 35 километрининг ҳолати қониқарсиз аҳволда. Шу жумладан, салкам беш километрлик зовур ўн йилдан бери, 2 километрлик зовур эса чорак асрдан бери бир марта ҳам тозаланмаган. Шунинг учун ҳам ўтган йили пахта ҳосилдорлиги хўжалик бўйича 6,1 центнердан тўғри келган.

Ҳозир ана шу камчиликларни бартараф этиш чоралари кўрилаётир. Хўжалик ҳудудидаги ички зовурларни тозалаш учун иккита экскаватор ажратилган. Энди улар сони 4 тага етказилади. Бошқа амалий чоралар ҳам кўрилаётир. Ният шу йилнинг ўзидаёқ пахта ҳосилдорлигини 21 центнерга етказиш.

Барот Рустамов, шу хўжалик бош ирригатори:

— Яна бир жиддий муаммо — ёпиқ-ётиқ зовурларни тиклаш масаласи кўндаланг турибди. Хўжалик ҳудудида 260 километр ана шундай ер ости қувурлари бор. Шундан деярли 80 километр узунликдагиси ишлатилмоқда, холос. Бу иншоот гарчи бизнинг ҳудудда бўлса-да, унинг тақдири вилоят гидромелиорация экспедицияси маъмурияти зиммасида. Аслида хўжаликдаги ана шу ёпиқ-ётиқ зовурларнинг 30 километрлик қисми йилига тозаланиб туриши керак. Бироқ ҳозир 14 километр масофадагиси тозаланмоқда, холос. Ана шу масаланинг ечимига тўсиқ бўлиб турган бир муаммо борки, уни ҳал этмай туриб, ёпиқ-ётиқ зовурлар ишини яхшилаб бўлмайди. Бизнинг ҳамда қўшни хўжаликлар ҳудудидан ўтувчи «К-7-8-2» коллектори мавжуд бўлиб, у учта хўжалик ҳудудидан оқиб чиқадиган сизот сувларни қўшни Оқолтин туманидан ўтадиган туманлараро каналга қуйиши керак. Бундан тўрт йил муқаддам ана шу коллекторга секундига 500 литр сувни тортиб чиқариш қувватига эга бўлган насос ўрнатилган эди. Бироқ сизот сувларнинг ортиб бориши, айниқса қиш ойларида оқиб чиқаётган шўр сувларнинг кўпайиши натижасида бу насос талабга жавоб беролмай қолди. Эндиликда яна бир насос керак. Шу билан бир қаторда 30 километр масофадаги зовурларни сифатли қилиб тозаламоқ лозим. Шундагина катта экин майдонларининг мелиоратив ҳолатини яхшилаш мумкин. Шу кунларда бутун диққат-эътиборимизни ана шу муамолар ечимига қаратганмиз.

Мазкур хўжалик Сирдарё вилояти қўриқ туманларининг қоқ ўртасида жойлашган. Унинг бугунги мелиоратив ҳолати вилоятнинг Шароф Рашидов, Оқолтин, Меҳнатобод, Мирзаобод сингари туманларидаги хўжаликлар аҳволига ўхшаш. Вилоят хўжаликларида жами 9402 километр ёпиқ-ётиқ зовурлар бўлиб, шундан 2818 километри бюджет ташкилотлари зиммасида. Бюджет ташкилотларига қарашли бўлган ана шу иншоотлар озмикўпми ювилиб, таъмирланиб турилибди. Лекин хўжаликлар ҳисобидаги ёпиқ-ётиқ зовурлар эса ташландиқ ҳолга келиб қолган. Ўтган кузги-қишки мавсум мобайнида салкам 7 минг километрлик ёпиқ-ётиқ зовурлардан бор-йўғи 12,5 километри ювиб чиқилгани ачинарли.

Маълумотга кўра, бу йилги мавсумда 140 километр ёпиқ-ётиқ зовурларни тозалаш режага киритилган. Бироқ бу иш атиги 51 фоизга бажарилган, холос. Вилоятдаги 3100 километрли лотокларнинг 1155 километри таъмирга муҳтож эски сув йўлларидир. Ҳозир шундан деярли учдан бир қисми тозаланди ва таъмирланди.

Вилоят мелиораторлари учун яна бир муҳим муаммо — хўжаликлардаги зовурлар ва сув йўлларини созлаш. Бундай зовурлар 5 минг километрдан ортиқ. Ҳозирча бор-йўғи 1000 километр ички зовур тозаланган, холос. Вақт эса шоширмоқда.

Вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармасидан маълум қилишларича, юқоридаги муаммоларни ҳал қилиш учун тегишли хўжаликларга имтиёзли қарзлар ажратиш чоралари кўрилаётир. Бу айни муддао, албатта. Фақат бу имкониятлардан жойларда самарали фойдаланиш чоралари кўрилишини давр талаб этади.

■ **Абдужалил УМАРОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**

2002 ЙИЛ — ҚАРИЯЛАРНИ ҚАДРЛАШ ЙИЛИ

ЁРУҒ КУНЛАР ҚАДРИ

БАХТИМИЗГА МУСТАҚИЛЛИК БОР БЎЛСИН, ЙЎҚСА БУ КУНЛАРГА ЕТМОҒИМ ДАРГУМОН ЭДИ, — ДЕЙДИ РАҲМОН БОБО ЧОРИЕВ

Бу отахон ҳозир бир кам етмишда. Сурхоннинг Қумқўрғон тумани, Қумқўрғон қишлоғидан. Болалик дамлари иккинчи жаҳон уруши ва ундан кейинги йўқчилик замонларига тўғри келди. Сафар ва Назар деган икки акаси урушдан қайтишмади. Отаси уста Чори тегирмончининг бу айриликдан қадди дол бўлди. Яхшиямки, Жаббор, Раҳмон исмли ўғиллари бор, уларга суянди.

— 1957 йили ноябрда армия хизматидан қайтдим. Эртасига колхозимиз раиси Сафар Бойматовнинг «Виллис»и эшигимизда тўхтади. Раис мени бағрига босди. «Яхши келдингми ота ули, зўр йигит бўпсан-ку!» — деди севиниб. Кейин машинасида бир тўйга олиб борди. Тўйхонадан чиққач, тўғри колхоз идорасига ҳайдади. Бир хонани очди ва калитини қўлимга тутқазиб:

— Биламан, сенинг саводинг яхши. Шу бугундан бошлаб колхоз правлениеси котибисан. Ғайрат қил, ҳали ёшсан, келажагинг олдинда, — деди...

Раҳмон Чориев ўша кундан бошлаб тақдири шу хўжалик билан боғланганлигини кейинчалик англади. Раис бобо айтгандай, чиндан ҳам шу ерда элга танилди. Хўжаликда ёшлар етакчиси, бош иқтисодчи ёрдамчиси ва бошқа вазифаларда ишлади. Бу орада Тошкент қишлоқ хўжалик институтини битириб, иқтисодчи бўлди. Кейин 16 йил шу хўжаликка раҳбар бўлди.

Хўжалик ҳар йили деҳқончиликнинг барча турлари бўйича режаларни ошириб бажарар, катта даромадлар қишлоқ ободончилигига сарфланарди. Дадиллик ва узоқни кўра билиш самараси 8 та мактаб, консерва заводи, 5 та болалар боғчаси, битта касалхона, туғуруқхона, маданият саройи ва бошқа ўнлаб биноларда кўринди. «Касаба» ва «Бўстон» қўрғонлари барпо этилди. Вилоятда биринчи бўлиб Раҳмон Чориев ўз хўжалигига табиий газ ўтказди. Ичимлик суви билан барча қишлоқлар таъминланди. Йўллар тўла асфальт қилинди.

— Бир йили қишлоқ хўжалиги кўргазмаси билан Вьетнамга борганман, — дейди бобо. — Ўн кун юриб, таассуротлар билан қайтсам, Термиздан мени излашаётганини айтишди. Бордим. Гдлиянчилар бу ерга ҳам етиб келишган экан. Ана ўша кундан бошланди кўргуликларим...

Терговчилар ўртага олишди:

— Раис, ҳурматинг баланд экан. Агар бизга тўғрисини айтсанг, шундай қоласан. Бўлмаса — турма! — дейишди.

— Нимани айтай?

— Мана, обком секретари Абдухолиқ Каримовнинг кўргазмаси. Сен ҳам унга пора бериб тургансан. Тўғрими?

— Бўҳтон!

Шунда терговчи телефон гўшагини кўтариб, рақамлар теради-да:

— Алло, турмами? Мен Термиздан. Бир кишилик камерани тайёрланглар, ҳозир бир жиноятчи раисни оборишади...

Яна бироз сиқувдан сўнг, аэропортга қўнғироқ қилишади:

— Иккита билет, Москвага, орқароқдаги ўриндиқдан бўлсин, маҳбус бор...

Ана шундай дағдаға ва таҳқирлашлар билан 3 йил ўтди. Бу борада Раҳмон Чориев хасталаниб қолди. Бир ойдан ошиқроқ касалхонада ётди. Кейин 1990 йилда Душанбе ва Фарғона шаҳарларида бўлган судларда қатнашди.

— Иккала судда ҳам раҳбарларга пора бермаганлигимни айтдим. Фарғонада бўлган судда Сурхондарёдан 220 кишини чақиришган экан. Ҳаммаси Абдухолиқ Каримовга пора берган деб, гумон қилинган. Менга сўроқ навбати келгач, тўғриси жонимдан тўйиб кетган эдим: «Сен гдлиянчилар жаллодсанлар, одамларни бундайин таҳқирлашга ҳақларинг йўқ», — дедим. «Оғзингизга қараб гапиринг, ёмон бўлади» — деди прокурор жойидан сакраб туриб...

— Бахтимизга Ислом Каримов бор эканлар, мустақилликни амалга оширдилар. Бўлмаса, омон қолишимиз даргумон эди, — дейди Раҳмон бобо кўзига ёш олиб.

1990 йил декабрь ойида Раҳмон Чориев Қумқўрғон қишлоқ фуқаролар йиғини раислигига сайланди. Кўп ўтмасдан мустақилликка эришилди ва Раҳмон Чориев яна куч-кувватга, ғайрат-шижоатга тўлиб, ишга берилиб кетди.

— Мана қийин, таҳликали кунлар ўтиб кетди. Ўн йил ичида мамлакат бунчалик ривожланиб, бахтли ҳаёт барқарор бўлишини кўрган одамлар энди мустақилликни ҳеч кимга бермайди, — дейди бобо.

— Ҳозирги ёшлар ҳақида қандай фикрдасиз?

— Оҳ, қани ёш бўлиб қолсам! Ўқиш учун, ҳунар эгаллаш учун бундай шарт-шароит, ғамхўрликка жавобан фақат ўқиш, изланиш, меҳнат қилиш керак. Буни ёшларимиз, шукр, яхши тушуниб етмоқдалар.

Бобо Қумқўрғон тумани «Нуроний» жамғармаси раиси сифатида ҳам фаолият кўрсатди. Лекин ўтмишдаги ноҳақлик, таҳқирлаш, туҳмат тошлари ўз таъсирини ўтказди. Отахоннинг кўзлари ожиз бўлиб қолди.

— Мана бу радиоприёмник туну кун ҳамроҳим, — дейди бобо. — Мамлакатимизда бўлаётган катта ишларни шундан билиб турибман. Қани энди, кўзларим қайта очилса-ю, шу азиз одамлар сафида туриб, мустақиллик учун хизмат қилсам. Бу йилни Юртбошимиз Қарияларни қадрлаш йили, деб атадилар. Болалигимда, улғайганда топмаган қадр-қиммат сурурини энди туйиб турибман. Бундай ғамхўрликка жавобан лоақал айтар сўзим билан мададкор бўлсам, дейман-да...

4 ўғил, 3 қиз, 21 набиранинг пиру бадавлат отахони Раҳмон бобо Чориев айни дамларда бахтли оила оғушида мустақил ва осойишта замонага ана шундай шукроналик билан умргузаронлик қилмоқда...

■ **Абдурасул ЖУМАҚУЛ,**
Ўзбекистон овози мухбири

РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИНИНГ ТОШКЕНТ ШАҲАР ФИЛИАЛИ

2002 ЙИЛ 12, 26 АПРЕЛЬ ВА 10 МАЙ КУНЛАРИ КИМОШДИ САВДОЛАРИНИ ЎТКАЗАДИ

12 апрелда ўтказиладиган савдоларга қуйидагилар қўйилади:

— Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Афросиёб кўчасида жойлашган, қурилиши тугалланмаган, умумий майдони 4050 кв.м. бўлган, икки қаватли «Савдо уйи» биноси. Бошланғич нархи — 257 188 549 сўм.

— «Ўзбекистон Ҳаво йўллари» миллий авиакомпаниясига қарашли «Тошкент» аэропортининг Тошкент шаҳар, Сирғали тумани, Фуқаролик авиацияси шаҳарчаси, 75-уйда жойлашган, умумий майдони 330,75 кв.м. бўлган 75-сон «Модалар ателъеси» биноси. Бошланғич нархи — 5000000 сўм ёки 7344 АҚШ доллари.

26 апрель ва 10 майда ўтказиладиган савдоларга юқоридагиларга қўшимча тарзда қуйидаги объектлар қўйилади:

— Тошкент вилояти Давлат ветеринария лабораториясининг Тошкент шаҳар, Бектемир тумани, Отабоев кўчаси, 2-уйда жойлашган, умумий майдони 380,76 кв.м. бўлган бино ва иншоотлари. Бошланғич нархи — 3 425 208 сўм.

— Тошкент шаҳар, Фарғона йўли кўчаси, 50-уйда жойлашган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Бош бошқармага қарашли 1995 йилда ишлаб чиқарилган, давлат белгиси 10 АО 794 бўлган, «ГАЗ-310200» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи — 2 739 145 сўм.

— Тошкент шаҳар, Фарғона йўли кўчаси, 554/2-уйда жойлашган Тошкент шаҳар, Ободонлаштириш бош бошқармасига қарашли «Миробод махсустранс» давлат унитар корхонасининг 1995 йилда ишлаб чиқарилган, давлат белгиси 17-57 ТНД бўлган, «ВАЗ-21060» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи — 429897 сўм.

— Якка тартибда уй-жой қуриш учун мўлжалланган. Тошкент шаҳар, Сирғали тумани, Сирғали-14 «Б» мавзесида жойлашган, сатҳи 400 кв.м. бўлган битта ер майдони. Бошланғич нархи — 404 000 сўм.

Савдолар соат 10.00да бошланади.

Ер майдони бўйича аризалар қабул қилиш савдодан уч кун аввал тўхтатилади, бошқа объектлар бўйича аризалар қабул қилиш савдодан бир соат аввал тўхтатилади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, Навоий кўчаси, 69-уй. Метронинг «Алишер Навоий» бекати. Телефонлар: 144-44-73, 144-71-78.

Республика Кўчмас мулк биржасининг Тошкент шаҳар филиали

2002 йил 15,29 март кунларида ўтказиладиган кимошди савдоларига қўйилган қуйидаги объектлар 2002 йил 15 март куни ўтказилган савдоларда:

— Якка тартибда уй-жой қурувчилар учун мўлжалланган. Тошкент шаҳар, Сирғали тумани, Сирғали-14 «Б» мавзесида жойлашган, сатҳи 400 кв.м. бўлган ер майдони 700000 сўмга ҳамда сатҳи 155 кв.м. бўлган ер майдони 240 000 сўмга;

— «Тошбозортайёрловсавдо» уюшмаси «Авиасозлар бозори» очиқ акциядорлик жамиятининг 1996 йилда ишлаб чиқарилган, давлат белгиси 10 AR 569 бўлган «TICO STD» русумли автотранспорт воситаси 1 700 000 сўмга сотилганлигини маълум қилади.

АЖАБ САВДОЛАР

СУД КОТИБИ... ХОРИЖГА ИШГА ЮБОРАРМИШ

